

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини
мажбурий суғурта қилиш
19/57/2246-сон ҲИСОБ-ШАРТНОМАСИ**

Термиз ш.

2022 йил «27» 01

Кейинги ўринларда "Суғурта қилдирувчи" деб аталадиган **Сурхондарё вилояти Согликни сақлаш бошқармаси «Махсус ва Тез тиббий ёрдам автохужалиги»** номидан Низом асосида ҳаракат қиладиган корхона раҳбари М.Боберхонтоев бир томондан, ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2016 йил 25 апрелда берилган серия СФ 00214-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда "Суғурталовчи" деб аталадиган «GROSS INSURANCE» МЧЖ номидан 2021 йил "01" декабрдаги 291-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қиладиган Сурхондарё филиали директори **И.Х.Рамазанов** орқали, иккинчи томондан, ушбу Ҳисоб-шартномани қуйидагилар тўғрисида тўздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан транспорт воситасидан фойдаланишда транспорт воситалари эгаларининг жабрланувчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича фуқаролик жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мажбурий суғурта объектидир.

1.2. Ушбу ҳисоб-шартномага киритилмаган шартлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли Қарорига илова қилинган Қоидаларга амал қилинади.

2. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ

2.1. Транспорт воситасидан фойдаланишда жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилганлиги учун суғурта қилдирувчининг ёки транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича жавобгарлиги суғурталанган бошқа шахснинг фуқаролик жавобгарлиги юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

3. ИСТИСНОЛАР

3.1. Қуйидагилар оқибатида транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- 3.1.1. Мажбурий суғурта бўйича суғурта полисида кўрсатилмаган транспорт воситасидан фойдаланишда зарар етказиш;
 - 3.1.2. Маънавий етказилган зарар ва (ёки) бой берилган фойданинг ўрнини қоплаш бўйича мажбуриятнинг юзага келиши;
 - 3.1.3. Транспорт воситасидан махсус ажратилган жойларда мусобақалар, синовлар ёки ўқув ҳайдови давомида фойдаланишда зарар етказилганлиги;
 - 3.1.4. Атроф муҳитнинг ифлосланиши;
 - 3.1.5. Ташилаётган юк таъсирида зарар етказилиши, агар бундай жавобгарлик мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий суғурта қилиниши керак бўлса;
 - 3.1.6. Ходимлар хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажараётганида уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилиши, агар бу зарарнинг мажбурий суғуртанинг тегишли тури тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ иш берувчи томонидан қопланиши лозим бўлса;
 - 3.1.7. Йўловчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зиён етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарларнинг ўрнини ташувчи томонидан қоплаш мажбурияти;
 - 3.1.8. Ҳайдовчининг ўзи бошқараётган транспорт воситасига ва унинг тиркамасига, уларда ташилаётган юкка ва (ёки) уларга ўрнатилган асбоб-ускуналарга зарар етказилганлиги;
 - 3.1.9. Юкни ортиш ёки туширишда, шунингдек транспорт воситаси мазкур транспорт воситасининг эгаси бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот ҳудудида ҳаракатланганида зарар етказилганлиги;
 - 3.1.10. Нодир ва бошқа ноёб буюмлар, меъморий ёдгорликлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва металллардан ишланган буюмларга, диний қадриятга эга буюмлар, санъат асарлари, қўлёзмалар, ноёб аудиовизуал асарларга ҳамда интеллектуал фаолиятнинг бошқа маҳсулларига, қимматли қоғозлар, нақд пулларга, шу жумладан чет эл валютасига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг йўқ қилинганлиги;
 - 3.1.11. Жабрланувчиларнинг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасддан қилган хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар.
- 3.2. 3.1. бандида кўрсатилган ҳолларда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги юзага келган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши керак.

4. СУҒУРТА СУММАСИ, СУҒУРТА МУКОФОТИ

4.1. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги бўйича суғурта суммаси ҳар бир транспорт воситаси учун **40 000 000,00 (Қирқ миллион) сўм** миқдорида белгиланади. Улардан:

- а) жабрланувчи мол-мулкига етказилган зарар учун - суғурта суммасидан 35 фоизгача;
- б) жабрланувчи ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарар учун - суғурта суммасидан 65 фоизгача;

4.2. Транспорт воситаларининг сони **47 (Қирқ етти)** дона.

4.3. Ҳисоб-шартномаси бўйича умумий суғурта суммаси **1 880 000 000,00 (Бир миллиард саккиз юз саксон миллион) сўм**

4.4. Суғурта мукофоти бўйича ҳисоб-китоблар ҳар бир транспорт воситаси учун ЎЗР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори билан тасдиқланган транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик мажбуриятлари суғуртаси Қоидалари асосида амалга оширилади.

4.5. Ушбу ҳисоб-шартномага тақдим этилган ариза-анкеталар асосида умумий суғурта мукофоти суммаси **5 760 000,00 (Беш миллион етти юз олти миң миң) сум**.

4.6. Суғурта мукофоти бир вақтнинг ўзида нақд пулсиз шаклда миллий валютада тўланади. Суғурта шартнома бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари пул маблағлари суғурталовчининг (вакили) банкдаги ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг кучга киради.

4.7. Агар мажбурий суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчи жабрланувчига суғурта товони тўласа, у ҳолда Суғурта қилдирувчи Суғурталовчидан суғурта товони тўланганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан эътиборан икки ҳафта муддатда тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта шартномаси амал қилишининг қолган муддатига мутаносиб равишда қўшимча суғурта мукофотини тўлайди.

5. СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ

5.1. Мажбурий суғурта шартномаси суғурта мукофоти тўлангандан сўнг кучга киради, шартнома муддати суғурта полисида кўрсатилади.

5.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси суғурта мукофоти тўлангандан сўнг тақдим этилади.

5.3. Ушбу суғурта шартномасининг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Суғурта мукофотини ушбу шартноманинг 4.6. бандига асосан тўлаб бериши.

6.1.2. Ҳайдовчиларни (ходимларни) ЙТХ содир бўлганда ДЙХБ ходимларини кутиши ва жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси)га мажбурий суғурта полиси нусхасини тақдим этишлик тўғрисида огоҳлантириши.

6.1.3. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда:

- ЙТХ содир бўлганда кечиктирмасдан узоғи билан 72 соат ичида ёзма равишда суғурта полиси нусхаси билан суғурталовчини суғурта ҳодисаси тўғрисида ЎЗР ВМнинг 2008 йил 24 июндаги 141-сонли қарори 6-иловасига мувофиқ хабардор этиши.

6.2. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

6.2.1. Суғурта қилдирувчи жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этгандан сўнг суғурта товонини олиши мумкин.

6.3. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

6.3.1. Жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) ёки суғурта қилдирувчига (агар суғурта товони ўз ҳисобидан амалга оширилган бўлса) шартномада кўрсатилган ҳолларда суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга ошириш;

6.3.2. Суғурта полиси ва махсус давлат белгиси бланкаси йўқотиб қўйилган тақдирда унинг дубликатларини тақдим этиш. Дубликатлар суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчи муружаат қилган ва у дубликатларни тайёрлаш бўйича харажатларни тўлаган кундан бошлаб икки кун муддатда берилади.

6.4. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

6.4.1. Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар ушбу шартнома талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни тазмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этишга ҳақли.

7. СУГУРТА ТОВОНИНИ ТУЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Суғурта товони етказилган зарар миқдоридан, лекин суғурта пулидан ошмаган миқдорда суғурталовчи томонидан бевосита жабрланувчига (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) тўлаб берилади.

7.2. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товони тўловлари бир нечта жабрланувчига (уларнинг меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига) тўланиши керак бўлса ва уларнинг суғурталовчига билдирилган талаблари суммаси суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлса, суғурта товони ҳар бир жабрланувчининг барча жабрланувчилар (уларнинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) талабларининг умумий суммасидаги улушига муносиб равишда тўланади.

7.3. Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини суғурталовчининг ёзма розилиги билан ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди.

Ушбу ҳолат бўйича қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

- суғурта полиси;
 - зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги ҳулоса ёки қарор, тиббиёт муассасаси маълумотномаси ёхуд ҳаётга ёки соғлиққа зарар етказилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, ўлим ҳақидаги далолатнома ёхуд гувоҳнома);
 - мол-мулкка зарар етказилганлиги фактини ва зарар миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар (тижорат далолатномалари, юк хатлари, асосий воситалар дафтарида кўчирмалар, тўлов ҳужжатлари, хизматлар кўрсатиш ва ишлар бажариш учун тузилган шартномалар, мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари ва бошқа шу кабилар);
 - жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
 - мерос ҳуқуқини ёки ҳуқуқий ворисликни олганликларини, шунингдек меросхўрларнинг шахсини ёки ҳуқуқий ворисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (агар суғурта товони жабрланувчининг меросхўрларига ёхуд ҳуқуқий ворисларига тўланиши керак бўлса).
 - банкнинг тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов топшириқномаси нусхаси;
- 7.4. Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди.
- 7.5. Суғурта товонини тўлаш суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

8. РЕГРЕСС ТАРТИБИДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

8.1. Суғурта қилдирувчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдоридан қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

- мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;
- зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақл-идроқига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;
- мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;
- мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;
- мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);
- суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шarti билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда).

8.2. Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

9. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Ушбу шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки лозим даражада бажарилмаганда суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги бўйича жавобгар бўладилар.

9.2. Ушбу шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади, музокаралар ҳал бўлмаган тақдирда амалдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

10. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ


СУГУРТАЛОВЧИ: «GROSS INSURANCE» МЧЖ

Манзил: Термиз ш. Тараққиёт кўчаси, 40а
тел.: (+99876) 223-40-08
х/р: 20208000204944157176
Термиз ш. АТ "ХАЛК" Банкни Сурхондарё
Термиз шаҳар филиали
МФО: 01175, СТИР: 207 135501
ИФУТ:
Филиал директори
И. Рамазанов



СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ: ВССБСИ МТТЁ автоҳўжалиги

Манзил: Термиз ш., Муқумий кўчаси, 9 ўй
тел.: +99876 221 08 74
х/р: 1000 2186 0224 01707 6909054 001
СТИР: 206 993 243
ЎзРесп. Молия вазирлиги Фазначилиги
МФО: 00014, СТИР: 201 122 919
Тошкент шаҳар Марказий банки ХККМ
х/р: 23402000300100001010
Раҳбар:



М. Боброқов

27.01.2022 юрист. [Signature]


**РЕЕСТР
Выданных полисов ВССБ МАХСУС ВА ТЕЗТИБИЙ ЁРДАМ**

№	Марка и модель ТС	Гос.рег.но мер	Номер полиса	Страховая сумма	Страховая премия	Примечание
1.	CHEVROLET DAMAS	75308XAA	0156339	40 000 000,00	120 000,00	
2	HYUNDAI ACCENT 1.3i	75489RAA	0156340	40 000 000,00	120 000,00	
3	CHEVROLET DAMAS	75882QAA	0165397	40 000 000,00	120 000,00	
4	CHEVROLET COBALT	75574RAA	0165404	40 000 000,00	120 000,00	
5	CHEVROLET DAMAS	75631KAA	0165405	40 000 000,00	120 000,00	
6	CHEVROLET DAMAS	75137RAA	0165406	40 000 000,00	144 000,00	
7	DAEWOO DAMAS DX	75179RAA	0165407	40 000 000,00	120 000,00	
8	HYUNDAI ACCENT 1.3i	75495RAA	0165408	40 000 000,00	144 000,00	
9	CHEVROLET DAMAS	75143RAA	0165438	40 000 000,00	120 000,00	
10	CHEVROLET DAMAS	75791XAA	0165439	40 000 000,00	120 000,00	
11	CHEVROLET DAMAS	75291XAA	0165445	40 000 000,00	120 000,00	
12	CHEVROLET DAMAS	75306XAA	0165446	40 000 000,00	120 000,00	
13	CHEVROLET DAMAS	75724AAA	0165447	40 000 000,00	120 000,00	
14	CHEVROLET DAMAS	75766QAA	0165448	40 000 000,00	120 000,00	
15	CHEVROLET DAMAS	75136RAA	0165449	40 000 000,00	120 000,00	
16	CHEVROLET DAMAS	75097RAA	0165450	40 000 000,00	120 000,00	
17	HYUNDAI ACCENT 1.3i	75487RAA	0165451	40 000 000,00	144 000,00	
18	CHEVROLET DAMAS	75973QAA	0165452	40 000 000,00	120 000,00	
19	CHEVROLET DAMAS	75127RAA	0165454	40 000 000,00	120 000,00	
20	CHEVROLET DAMAS	75191RAA	0165455	40 000 000,00	120 000,00	
21	CHEVROLET DAMAS	75190RAA	0165456	40 000 000,00	120 000,00	
22	CHEVROLET DAMAS	75287XAA	0165457	40 000 000,00	120 000,00	
23	CHEVROLET DAMAS	75749JAA	0165458	40 000 000,00	120 000,00	
24	CHEVROLET DAMAS	75885QAA	0165459	40 000 000,00	120 000,00	
25	UAZ YA3-3962	75989JAA	0165460	40 000 000,00	144 000,00	
26	CHEVROLET DAMAS	75298XAA	0165461	40 000 000,00	120 000,00	
27	HYUNDAI ACCENT 1.3i	75490RAA	0165462	40 000 000,00	144 000,00	
28	CHEVROLET DAMAS	75971AAA	0165463	40 000 000,00	120 000,00	
29	CHEVROLET DAMAS	75294XAA	0165464	40 000 000,00	120 000,00	
30	CHEVROLET DAMAS	75293XAA	0165465	40 000 000,00	120 000,00	
31	CHEVROLET DAMAS	75297XAA	0165466	40 000 000,00	120 000,00	
32	CHEVROLET DAMAS	75849UAA	0165467	40 000 000,00	120 000,00	
33	NISSAN URVAN	75428NAA	0165472	40 000 000,00	120 000,00	
34	CHEVROLET DAMAS	75309XAA	0165473	40 000 000,00	120 000,00	
35	CHEVROLET DAMAS	75978QAA	0165474	40 000 000,00	120 000,00	
36	CHEVROLET DAMAS	75167NAA	0165476	40 000 000,00	120 000,00	
37	VOLKSWAGEN CADDY	75561ABA	0165478	40 000 000,00	120 000,00	
38	VOLKSWAGEN CADDY	75563ABA	0165479	40 000 000,00	120 000,00	
39	VOLKSWAGEN CADDY	75548ABA	0165480	40 000 000,00	120 000,00	
40	VOLKSWAGEN CADDY	75560ABA	0165481	40 000 000,00	120 000,00	
41	VOLKSWAGEN CADDY	75562ABA	0165482	40 000 000,00	120 000,00	
42	VOLKSWAGEN CADDY	75542ABA	0165483	40 000 000,00	120 000,00	
43	VOLKSWAGEN CADDY	75543ABA	0165484	40 000 000,00	120 000,00	
44	VOLKSWAGEN CADDY	75546ABA	0165485	40 000 000,00	120 000,00	
45	VOLKSWAGEN CADDY	75547ABA	0165486	40 000 000,00	120 000,00	
46	VOLKSWAGEN CADDY	75549ABA	0165487	40 000 000,00	120 000,00	
47	CHEVROLET DAMAS	75310XAA	0165488	40 000 000,00	120 000,00	
				1 880 000 000,00	5 760 000,00	

ЖАМИ
«TOSHIKENT RESPUBLYKASI SURKONDARYC VILCOSS INSURANCE» MASJULIYATI CHEKLANISHI FILIALI
За страховщика
Директор филиала
И.Х. Рамазанов

ПОДПИСИ СТОРОН:

За Страхователя:
Рахбар



Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Регистратги тартиб рақами № 103 № 1560

2011 й. 17 ноябрь

Маъхур гувоҳнома "GROSS INSURANCE" mas'uliyati cheklangan jamiyati,
 қисқа номи эса "GROSS INSURANCE" MCHJ бўлган юридик

(давлат тилдаги тўлиқ ном)

шахси Ўзбекистон Республикаси Адаби вазирига томонидан берилди.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:	ТХШ
Мулкчилик шакли:	МШ
Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига почта манзили:	1726266
Юридик шахс коди:	23047990
Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига асосий фаолият тури коди:	ХХТУТ
Солмақ тўловининг идентификация рақами:	96220
	СТИР
	207135501



Тоғасев Кучикар

Тоғасев Кучикар



МИНИСТЕРСТВО ФИНАНСОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЛИЦЕНЗИЯ

на осуществление страховой деятельности страховщиков и страховых брокеров

Серия СФ № 00214

В соответствии с приказом Министерства финансов Республики Узбекистан от 20 декабря 2011 г. № 19/СФ, одобрен 20.12.11 г. №5-СФ настоящей лицензией «Обществу с ограниченной ответственностью «GROSS INSURANCE» (полное наименование юридического лица)

- разрешается осуществление добровольного и обязательного страхования в отрасли общего страхования по следующим классам:
- Класс 1 – Страхование от несчастных случаев;
 - Класс 2 – Страхование на случай болезни;
 - Класс 3 – Страхование наземных транспортных средств;
 - Класс 4 – Страхование железнодорожного подвижного состава;
 - Класс 5 – Авиационное страхование;
 - Класс 6 – Морское страхование;
 - Класс 7 – Страхование имущества, находящегося в пути;
 - Класс 8 – Страхование имущества от огня и стихийных бедствий;
 - Класс 9 – Страхование имущества от ущерба;
 - Класс 10 – Страхование автогражданской ответственности;
 - Класс 11 – Страхование ответственности в рамках авиационного страхования;
 - Класс 12 – Страхование ответственности в рамках морского страхования;
 - Класс 13 – Страхование общей гражданской ответственности;
 - Класс 14 – Страхование кредитов;
 - Класс 15 – Страхование поручительства (гарантий);
 - Класс 16 – Страхование от прочих финансовых рисков;
 - Класс 17 – Страхование расходов, связанных с правовой защитой.

Местонахождение владельца лицензии (почтовый адрес): Республика Узбекистан 100000, город Ташкент, Юнусабадский район, улица Амира Темура, проезд 1, дом 6

Идентификационный номер налогоплательщика владельца лицензии: 207 135 501

Дата выдачи лицензии: 25 апреля 2016 г.
 Подписатель формы до реестру: 208 Мирзаев М.М. (с.4.0.)



№ 00214

